



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БҲҲҲ
ДАВЛАТ

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 20 июль, № 146 (8769)

Шанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ САМИМИЙ МУЛОҚОТИ ХОРАЗМДА ДАВОМ ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров 18-19 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Тошкентда ўтган олий даражадаги мулоқотларда икки дўст мамлакат халқлари манфаатига хизмат қиладиган кўплаб келишувларга эришилди. Давлат раҳбарлари кенг камровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш

тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар. Умуман, ташриф давомида 16 та ҳужжат имзоланди. Энергетика, автомобилсозлик ва тўқимачилик соҳаларида йирик қўшма лойиҳаларга старт берилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг са-

мимий мулоқоти 19 июль кунини Хоразмда давом этди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садр Жапаров икки мамлакат биринчи хонимлари билан биргаликда дастлаб Хива шаҳридаги Ичан қалъа мажмуаси ва Нурил-

лабой сарой мажмуасига ташриф буюрди.

Хива шаҳри 1990 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган, 1997 йилда унинг 2500 йиллиги нишонланган. Шаҳар 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти, 2024 йилда эса Исло-

дунёсининг туризм пойтахти бўлди.

«Очик осмон остидаги музей» сифатида танилган Хива яхлит ёдгорлик сифатида Марказий Осиёда сақланиб қолган ягона шаҳар ҳисобланади. Бу ерда 120 дан ортиқ меъморий обидалар жойлашган.

Олий мартабали меҳмонлар танишувни «Ота дарвоза»дан бошлаб, ноёб «Кўҳна арк» мажмуаси, Шерғоғохон мадрасаси, Жума масжиди, «Тошховли» мажмуаси ва бошқа обидалар билан танишди.

Меҳмонлар шарафига ўзбек халқ кўшиқлари янграб, театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Шундан сўнг Нуриллабой саройига ташриф буюрилди.

Сарой-боғ мажмуаси XX аср бошларида бунёд этилган. Мажмуа мадраса, 100 дан ортиқ хоналар, галерейлардан иборат. Сарой хоналарини безашда хивалик моҳир усталар билан бирга чет эллик расом-декораторлар ҳам иштирок этганлар, улар саройнинг шарқона кифасига Европанин

нинг модерн услубини сингдирганлар. Хива тарихи ва унинг фан ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, ҳудуднинг бой маданияти ва санъати ҳақидаги ҳикоятлар қирғизистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Садр Жапаров «Хива гилалари» комбинатида бўлди.

2020 йилда ташкил этилган мазкур корхонада йилга 4,2 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб Хитой, Россия, АҚШ, Қозғоғистон ва МДХнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Европанин етакчи давлатлари технологияси билан жиҳозланган замонавий комбинатда бугунги кунда 750 киши меҳнат қилмоқда. Президентлар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни ва шоуринини, шунингдек, комбинат ҳудудида ташкил этилган «Made in Uzbekistan» бренди остидаги саноат маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Тегишли вазирлик ва идораларга ўзаро тажриба алмашиш, кооперация ва савдони ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ташриф тадбирлари якунланган Президент Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Урганч халқаро аэропортида Президент Садр Жапаров ва рафиқасини кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ БЎЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ, ТАРҒИБ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, 1937-1953 йилларда мустабид тузум томонидан 100 мингдан зиёд халқимиз вакиллари қатағон сиёсатининг қурбони бўлган. Бу юртдошларимизнинг 13 минг нафари отиб ташланган, минглаб кишилар ноҳақ қулқ қилинган, сургуналарга жунатилган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёвлари, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, ишчи-деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган.

Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини фидо этган, сиёсий қатағон қурбонлари бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофича ўрганиш ва тарқиқ этиш, уларнинг номлари ва хотирасини абадийлаштириш бўйича кейинги йилларда юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2021 — 2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қатағон қурбонларининг номлари оқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини тиклаш ва иллий нуқта назардан чуқур ўрганиш, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш, шу асосда юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдирини ва келажагини дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини кучайтириш, уларни бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда).

Салим бин Муҳаммад ал-Малик: ЎЗБЕКИСТОН — БАРАКАЛИ ЗАМИН, МАЪНАВИЯТ ҲАЗИНАСИ, ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ БУЮК МЕРОСИ СОҲИБИДИР

Исломи дунёси таълим, фан ва маданият ташкилотининг (ICESCO) Бош директори Салим бин Муҳаммад ал-Малик «Дунё» ахборот агентлигига интервью берди.

— Бош директор жаноблири, биламизки, сиз Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюргансиз. Бугунги суҳбатимизни мамлакатимиз ҳақидаги фикрларингиз билан бошла-
сиз. Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, замонавий тараққиёти ва халқаро майдондаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Бисмиллаҳир Роҳма-
нир Роҳим. Мен Ўзбеки-
стонга келганимда ҳар сафар
ўзим учун янгидан-янгидан
қирраларни келф амаман. Бой
тарих ва бетакрор маданий
меросга эга ушбу ўлкадан
завқ олам. Бинобарин
ушбу жиҳатлар мамлакат-
нинг асосий рамзларидан
бири бўлган — давлат бай-
роғидagi ёрқин рангларда
хам ўз аксини толган.

Ўзбекистон байроғининг
илҳомбахш этувчи ранглар-
ни кўздан кечираётганимда,
бу байроқ оддий туғ эмас-
лиги, у ўзида чуқур маъ-
ноларни ифодаловчи муқад-

дас рамзликка амин
бўлдим. Байроқ — фахрли
воқеаларга бой давлат тар-
ихига таянадиган рамзий
рангларни ифодаловчи ри-
сола. Бу заминнинг ерлари
унмудор ва барокатлидир.
Халқи эса тинчликпарвар ва
осойишталик неъматини
юксак қадрлайди.

Ўзбекистон байроғидagi
мовий ранг мангу осмон ва
обихаёт тилсолини акс эт-
тиради. Бу ранг, шунингдек,
ҳаётнинг давомийлиги, халқ-
нинг умид ва интилишларини
ўзида ифодалаган.

Оқ ранг эса ўзбек халқининг
тинчлик, адолат ва тар-
аққиётга интилишини тасдиқ-
лайди. Байроқдаги яшил
ранг ўзал табиатга, жумла-
дан, Сирдарё ва Амударё-
нинг унмудорлигига дало-
латдир.

Ўзбек заминиди, билим-
га чанқок, тинчликка инти-
лувчи халқ яшайди. У маъ-
рифатпарвар халқлар ора-
сида муносиб ўрин эгал-
лашини азалдан
исботлаб келган.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН БАРҚАРОР АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЯНГИ ТАРИХИЙ ИСТИҚБОЛНИ ОЧМОҚДА

Хориқлик экспертларининг фикрича, Қирғизистон Президенти Садр Жапаровнинг 18-19 июль кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ва олий даражадаги музокаралар якунлари тарихий аҳамиятга эга бўлиб, кўп томонлама ўзбек — қирғиз шериклиги ва Марказий Осиё минтақасида фаоллашган ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи учун мустаҳкам асос яратди.

БИР БЎЛСАК — ЯҒОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

“Дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отган эмас”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби муқаддимаси ана шу жумлалар билан бошланади. Жуда ҳам оддий, ҳаётий, бироқ одамни ўйлантириб қўядиган чуқур мазмунга эга фикр.

Бу жумлалар фақат ҳаётнинг абадийлиги, бизни қуршаб турган атрофимиздаги дунёнинг мунтазам ўзгаришида, янги-янгиланган экани, оламнинг азалий қонуниятини ҳақидагина эмас, балки дунё билан ўзи ҳам, онгу шуури ҳам ўзгараётган одамларнинг тафаккуридаги эврилишларни-да акс эттириб турибди.

Муносабат

Тафаккур ўзгармас, ўсишга, юксалишга эҳтиёж пайдо бўлмас экан, одамнинг ўзи ўзгармайди. Тафаккур эврилиши — бу жуда узоқ давом этадиган, машаққатли кечадиган жараён. Янги тонгини отиши тафаккурдаги эврилишдан бошланади.

Кунча Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорни ўқиб чиққан киши борки, халқимиз бундан ўттиз уч йил олдин ўта оғир ва мураккаб тарихий вазиятда қўлга

киритган миллий истиқлол ҳам, бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида бирлашиб, янги ютуқ ва марралар сари илдам одимлаётгани ҳам, аввало, тафаккур ўзгариши, дунёқараши янгиланиши билан боғлиқ эканини теран англайди. Зеро, ахли дониш айтганидек, одам ўзгарса, олам ҳам ўзгаради.

Қарорда келтирилганидек, бу йилги байрам тадбирлари “**Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!**” деган бош ғояни ўзида мужассам этади. Бу бежиз эмас. Зеро, инсонларнинг, элу элатларнинг бир халқ бўлиб яшashi, ягона эзгу мақсадга интилиши, озод ва обод Ватан қуриши, аввало, фикрий уйғунлик, диллашув,

бирлашув, жипслашув орқали рўёбга чиқади.

1

Халқимиз соддаликни яхши кўради. Оддийлик, табиийлик, самимият халқимиз руҳиятига хос. Шунинг учун миллий маънавиятимизнинг асоси, халқ руҳияти кўзгуси бўлган фольклор намуналари ҳақида гап кетганда “Халқнинг ўзидай содда, халқнинг ўзидай оддий ва халқнинг ўзидай теран”, деган жумлалар ишлатилади. Бу бежиз эмас, халқнинг тилидаги сўзлар минг йиллар давомида тобланган, чарханган, қайрадан қайта қўришга кўришга келган. Мамлакатимиз раҳбари бундай фикрларга оҳорли тўн кийдириб: “**Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу — инсониятнинг болалик кўшиғидир**”, дейди.

Соддалик, самимият юз-кўзларимизда акс этиб туради. Дастурхонимиз каби кўнглимиз ҳам очик, бағримиз ҳам кенг. Дастурхон бошида боболаримиз, момоларимизнинг дуосидан тортиб ҳар бир ўғитида халқимизга хос бўлган донишмандлик акс этади. Дуоларда доим юртнинг тинч, мамлакатнинг обод, файзу бараканин



мўл, фарзандларнинг тани соғ, оқилу доно бўлиши тиланади. Дастурхонга ўтирганда ҳам, турганда, меҳмон келганда, меҳмонга борганда, давра қурилганда яхши ниятлар қилинади, умрнинг ҳар бир сонясига шуқронлар келтирилади.

Бу, таъбир жоиз бўлса, ўтмишини унутмаган, бугунини англаётган, келажақ учун яхши ниятлар қилган миллатга хос руҳият, бугунги тил билан айтadиган бўлсак, менталитетдир. Бунини дунёга тамаддун эшикларини очган бобо-

ларимиз “**Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал**” деб аташган.

Инсон инсон бўлибдики, бугунги эртасидан яхши бўлишини истайди. “Болам” деб яшаш халқимизга хос ҳислат. Бойқий сўз, эзгу амалларини болаларига, келгуси авлодларига илинган. Болам деб яшаш, аслида эртанги кун учун яшаш, келажақ учун инвестиция демакдир. Яъни халқимиз минг йиллик қадрият ва аъналарига, салохияти ва ҳаётий тажрибасига суянган ҳолда ўзининг тараққиёт тонгига қараб интилади.



Икки томонлама алоқалар ҳолати кўриб чиқилди

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев АҚШнинг Миссиссиппи штати Миллий гвардияси қўмондонини, генерал-майор Женсон Бойлз бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашув

Унда икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизликка оид умумий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги масалалар кўриб чиқилди.

Икки томонлама алоқаларнинг давом эттириши ва муҳокама қилинган барча соҳада ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

Касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш ишлари қониқарли эмас

Соғлиқни сақлаш вазирлигида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов ҳамда сенатор Манзура Салимова иштирокида репродуктив саломатликни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи муҳокама қилинди.

Анжуман

Йиғилишда репродуктив саломатликни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича Сенат ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида олиб борилган ўрганишлар натижалари кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан қўмита раиси О. Иминов тизимдаги ижобий ишлар билан бирга, мавжуд камчиликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, баъзи жойлардаги тиббиёт муассасалари томонидан ҳомиладорликни эрта ҳисобга қўйиш ҳамда ҳомиладорларни доимий назоратга олиш ва кузатиб бориш, перинатал скрининг текширувлари билан қам-

раб олиш етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ҳомиладорлик пайтида кечадиган соматик касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш ишлари ҳам қониқарли эмас.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан репродуктив саломатликни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича назорат режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Унинг ижроси Сенат масъул қўмитаси назоратида ҳам бўлади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ БЎЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ, ТАРҒИБ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қатагон қурбони бўлган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларни номма-ном аниқлаш, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейлар, кутубхоналар ва турли фондларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва тадқиқ этиш, оммалаштириш учун ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш;

қатагон қурбонларининг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларига гувоҳ бўлган инсонларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий манбаларни, нобъ суратларни тўплаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, унинг ҳудудлардаги бўлиmlлари ҳамда Жадиdлар мероси давлат музейининг мавзуга доир маълумотлар, ашёвий далил ва ҳужжатлар, бошқа тегишли экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб бoрилишини таъминлаш;

қатагон қилинган юртдошларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлиқ "Қатагон қурбонлари" китобини chop этиш ҳамда уларнинг номларини Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига киритиш ишларини давом эттириш;

чет элдаги турли фондлар, архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, мавзуга оид илмий экспедициялар ташкил этиш;

ёш авлодни Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган буюк аждодларимиз хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш.

Республика комиссиясининг ишчи органи этиб Мудофаа вазирлигининг умумий раҳбарлигида Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, Фанлар академияси Тарих институти, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Қуролли Кучлар академияси, Мудофаа ва ҳарбий хавфсизлик муаммоларини ўрганиш институти, "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси, "Шон-шараф" давлат музейи масъул ходимлари ва етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳ белгилансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейининг ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий қатагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Республика комиссияси Қатагон қурбонларини ёд этиш ҳафталигини муносиб даражада ўтказиш бўйича тегишли чора-

тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Қатагон қурбонлари, жумладан, жадиdлик ҳаракати намояндаларининг ибратли ҳаёти ва фаолиятини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида янада кенг тарғиб этиш мақсадида: "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги халқимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги кўп асрлик мардона юрдоши, бу йўлда сиёсий қатагонга учраган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари, давра сўхбатлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда уч авлод учрашувларини ташкил этиб борсин;

Маданият вазирлиги давлат буюртмаси асосида спектакллар, бадий иш ва ҳужжатли фильмлар яратсин;

Ёшлар ишлари агентлиги аудиовизуал махсулотлар тайёрлаб, уларни интернет тармоғида оммалаштирсин, шунингдек, фойдаланувчилар ўртасида турли танлов, мусобақа ва акциялар ўтказсин;

Фанлар академияси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Фанлар академияси Тарих институтининг "Jadidlar.uz" электрон платформасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва платформани янги электрон адабиётлар, тарихий манбалар, жадиd матбуоти намуналари ва аудиовизуал махсулотлар билан бойитиш чораларини кўрсин;

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таълим ташкилотларида ўтказиладиган "Мустақиллик дарслари" доирасида қатагон қурбонлари, жумладан, жадиdлик ҳаракати намояндаларига бағишланган ўқув машғулотларини ташкил этсин;

Туризм қўмитаси қатагон қурбонларининг номлари билан боғлиқ музей ва объектларни сайёҳлик йўналишларига киритиш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, "Нуроний" жамғармаси, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди билан биргаликда Республика комиссиясининг қарори асосида:

қатагон қурбонлари ва жадиdлик ҳаракати вакиллари бўлган шахслар туғилиб ўсган, яшаган хонадонларини аниқласин ва уларда эсдалик лавҳаларини ўрнатсин;

маҳаллаларда ва умумтаълим мактабларида тегишли тарзда "Қатагон қурбонлари хотираси бурчаклари"ни, стендлар ва бошқа кўргазмаларни воситаларни ташкил этсин.

Мазкур бандда белгиланган вазифалар маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Қатагон қурбонлари, жумладан, жадиdлик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий мероси,

шунингдек, ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар бўйича тадқиқотлар олиб бoриш мақсадида:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мавзуга оид илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмасининг танловлар асосида шакллантирилиши ҳамда илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, "Ўзархив" агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Фанлар академияси қатагон қурбонлари ва жадиdлик ҳаракати намояндаларининг илмий-ижодий фаолиятига тегишли нодир китоблар, кўлэзма асарлар, тарихий ҳужжатлар ва бошқа материалларни таъмирласин ҳамда рақамлаштирсин;

"Ўзархив" агентлиги Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда давлат архивларида сақланаётган қатагон қурбонлари ва жадиdлик ҳаракати намояндаларига оид муайян архив ҳужжатларини белгиланган тартибда махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин;

вазирлик ва идоралар қатагон қурбонлари ва жадиdлик ҳаракати намояндаларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар олиб бoриш учун Республика комиссияси тавсиясига асосан, тегишли идоравий архивлардан фойдаланиш имкониятини яратсин;

Ташқи ишлар вазирлиги қатагон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятига доир чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганишда хориқдаги илмий-тадқиқот марказлари, нуфузли университет ва фондлар ҳамда соҳа мутахассислари билан яқиндан ҳамкорлигини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатсин.

7. Маданий мерос агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шахсий ва оилавий архивларда сақлаб келинаётган қатагон қурбонлари фаолиятига бевосита дахлдор бўлган кўлэзма, китоб, сурат ва буюм шаклидаги тарихий-маданий ашёларнинг давлат музейлари фондларига қабул қилиб олиншини ташкил этсин.

8. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи Рақамли технологиялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг ҳудудлардаги бўлиmlлари фондларини мунтазам бойитиб бoриш, уларда янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш ҳамда бу борада замонавий рақамли технологиялар ва мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишини йўлга қўйсин.

9. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Божжона қўмитаси ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни бажаришда дахлдор вазирлик, идора ва ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

10. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, Фанлар академияси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда икки ой мuddатда мустабид тузум даврида сиёсий қатагонга учраган шахсларни реабилитация қилиш тартибини назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: 2025 йилдан бошлаб қатагон қурбонлари ва жадиdлик ҳаракати намояндаларига бағишланган тадбирларни ўтказиш, "Қатагон қурбонлари" хотира китобларини, китоб ва альбомлар, йўл кўрсаткичларини тайёрлаш, шунингдек, кўргазмалар ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларни Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейининг тузилмасини такомиллаштириш, жумладан, унинг таркибидан мультимедиа, наشريёт ва матбаа бўлиmlларини ташкил этиш ҳамда музей ва унинг ҳудудий бўлиmlларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

12. Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига қатагон қурбонларининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг илмий-ижодий меросининг моҳияти ва тарбиявий аҳамиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, мавзуга оид телекўрсатув ва радиосиёҳатларини мунтазам эфирга узатиш ҳамда матбуот нашрлари ва интернет саҳифаларида мақолалар эълон қилиб бoриш тавсия этилсин.

14. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Ушбу қарор ижросини муҳокама қилиб бoриш, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2024 йил 19 июль

Салим бин Муҳаммад ал-Малик: ЎЗБЕКИСТОН – БАРАКАЛИ ЗАМИН, МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ, ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ БУЮК МЕРОСИ СОҲИБИДИР



Албатта, Ўзбекистон — баракали замин, маънавият хазинаси, ислом цивилизациясининг буюк мероси соҳибидир. Бугун эса биз инноватор, учинчи Ренессансга пойдевор қўяётган, ҳамкорликка очик, дунёвий демократик тараққиётга содиқлигини исботлаган, замон билан ҳама-нафас, ўз маданиятини тиклаётган янги Ўзбекистонни кўряпмиз.

Мамлакатимизнинг бугунги кунда халқаро майдондаги фаол позицияси кўзга яққол ташланмоқда. Ташкилотга келсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги 20 йил ичида Тошкент, Бухоро ва Хива шаҳарлари Ислам дунёсининг маданият ва туризм пойтахтлари деб эълон қилинган юртингизнинг буюк тарихига юксак ҳурмат ва унинг ислом дини ҳамда маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси эътирофидир.

— ICESCO Ўзбекистоннинг буюк тарихини тиклаш, бой тарихий, маданий ва маънавий меросини дунёга очиб, асраб-авайлаш ва келажақ авлодлар учун етказиш борасидаги савий-ҳаракатларини қандай баҳолайди ва бу жараёнда ташкилот қандай ёрдам кўрсатмоқда?

— Ўзбекистонда ислом динининг инсонпарварлик тамойилларини тарғиб қилиш, улуғ муҳаддислар маънавий меросини ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодни буюк аждодлар меросига муносиб ҳолда тарбиялаш, диний бағрикенгликни мустақкамлаш, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш истагида бўлган мусулмонлар учун кенг имкониятлар яратиш борасида улкан савий-ҳаракатлар амалга оширилаётганини кўриб турибмиз. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ аждодларнинг номлари Ўзбекистон ва унинг ислом оламидаги идрокки билан узвий боғлиқ. Бу илоҳий олимларини етиштирган муборак замин билан ҳамкорликни ривожлантириш биз учун катта шараф.

Ўзбекистон ва ICESCO ўртасидаги яқин ҳамкорлик ташкилот томонидан 2007 йилда Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилинганидан бошланди. Ўша кутулғ санадан бошлаб ўзаро манфаатлар, ҳурмат-эҳтиром асосида, муқаддас динимиз — дунёвий ва маърифий исломни мус-

тақамлаш йўлида самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ташкилотнинг барча аъзолари Самарқанд шаҳрининг 2025 йилда "Ислам дунёси маданият пойтахти" деб эълон қилинишини қўллаб-қувватлаганидан мамнунмиз. Биз бу борада Ўзбекистоннинг турли тадбир ва анжуманлар ўтказиши бўйича барча ташаббусини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

— Янги Ўзбекистонда илм-фан ва таълим ривожига, жумладан, ўзбек халқининг маънавий меросини ўрганишга қаратилаётган эътибор ҳақида фикрингиз ҳам биз учун муҳим...

— Ўзбекистон раҳбари, муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларнинг жамиятда таълим ва илм-фаннинг ролини ошириш, маданиятни асраб-авайлаш ва юксалтиришга қаратилган савий-ҳаракатлари ва ташаббусларини Аллоҳ таоло барокатли қилсин.

Мамлакатда ижтимоий тараққиётнинг бу муҳим масалаларига ҳар томонлама ва оқилона ёндашилаётганининг шохиди бўлиб турибмиз. Давлатнинг раҳбари маънавият — тарихий бинонинг гўмбазини, муносиб келажақ пойдеворини эканани яқин тушунади. У асрлар давомида миллионлаб инсоний тақдирлар асосида шаклланган.

Пухта таҳлил ва илмий ҳолислик тўғрисида олимларнинг савий-ҳаракатлари, Ўзбекистон тарихининг энг муҳим саҳифалари қайта очилди, қўллаб-атқоли маданият, фан арбоблари, ўзбек халқининг буюк аждодлари номлари қайта тикланди. Аввало, Шарқ Уйғонмиш даврини бошлаб берган Амир Темур ва Темурийлар даври ўзининг муносиб баҳосини олди. Темурийлар давридаги маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, илм-фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши Европа Уйғонмиш жараёнига катта таъсир кўрсатди ва жаҳон тамаддунига хизмат қилди. Соҳибқирин Амир Темур бугун нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун инсониятнинг фахридир.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари — Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа ўзбек заминидан етишиб чиққан даҳлоларнинг табаррук номлари, бетакрор асарлари ва ишлари қайта тикланди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни халқ маънавиятининг муносиб давомчисига айлантириш борасидаги устувор вазифалар ҳам аниқ белгилаб берилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази

ўзбек халқининг улкан меросини асраб-авайлаш ва ўрганишга содиқлигини, илм-фан ва таълим ривожига қўшган улкан ҳиссасини ўзида мужассам этгани юксак эътирофга сазовордир.

— Мамлакатимизда маънавият соҳасида олиб бoрилаётган сиёсат борасида фикрингизнинг билмоқчи эдик. Сизнингча, маънавиятни юксалтириш мамлакатнинг замонавий тараққиётга қанчалик таъсир кўрсатиши мумкин?

— Тарихдан маълумки, маданият, таълим, тиббиёт, адабиёт, санъат ва мейморчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва куриллишнинг жадал раванқ топишига туртки бўлган бундай цивилизациянинг юксалиши, аваламбор, минтақада тинчлик ва оқойишталикни таъминлаш орқали амалга ошди. Бинобарин сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон фаолиятининг барча жаҳҳасида, айниқса, маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар ва муваффақиятларга тарихий нуқтаи назардан қарасак, уларни ҳақли равишда мустақиллик Ренессанси даври ютуқлари, деб айтишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг маънавий қадриятларини тиклаш бўйича танлаган йўли маданият соҳасида ҳам ўзининг нақадар тўғрилигини тасдиқлади, бунда давлат нафақат бош ислохотчи, балки хайрихоҳга айланди. Бугун биз бу кўмак нақадар конструктив бўлганини, санъат ривожига қандай улкан туртки берганини кўриб турибмиз.

Мамлакатда ўтказилаётган халқаро фольклор мусиқа фестиваллари, мақом, бахшичилик, "Шарқ тароналари", ҳунармандлар анжуманлари ва бошқа аънаънага айиланиб бораётган кўплаб тадбирлар бунинг яққол тасдиғидир.

Яқинда Зоминда бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати анжуманида иштирок этдим. Мазкур фестивалнинг ташкил этилиши юксак тахсинга сазовор бўлиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби олийларнинг маданий қадриятларга бўлган эътибори ва юксак муносабатини намоян эътиди.

Маънавият, маданият ва санъат инсон қалбига осонликча кириб борадиган қудратли воситадир. Шунинг учун ҳам инсонларни бирлаштириб, уларни Ватан ва халқ манфаатлари, эзгулик ва инсонпарварлик тамойиллари билан боғлиқ янги марраларга ундайдиган ана шундай муқаддас тушунчалар борлигини тўғри англаш ҳам жуда муҳим. Ҳар бир инсон уларни ўз ҳаётининг асосий мезони, ўз фаолиятида дастуриламал деб билса, шубҳасиз, бу ишининг натижалари том маънода маънавий қамолотга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН БАРҚАРОР АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЯНГИ ТАРИХИЙ ИСТИҚБОЛНИ ОЧМОҚДА

Кубанчбек ТААБАЛДИЕВ, қирғизистонлик сиёсатшунос:



— Президент Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга бу галги ташрифи ўзаро муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Чунки икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабат-

лари стратегик шериклигининг янада қорри даражасига олиб чиқиш истаги амалий ва истиқболли лойиҳалар билан қўллаб-қувватланмоқда. Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустақкамлаш-иши икки мамлакат халқларининг умидлари ва имкониятларига тўлиқ мос келади. Шунинг учун ҳам яқин ўтмишда машҳур бўлган, икки халқ ўртасидаги кўп асрлик алоқаларни мустақкамлайдиган маданият кунлари қайта тикланмоқда.

Бошқа соҳалар қатори таълимда ҳам ҳамкорлик ривожланиб бoрмоқда. Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи арафасида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ректорлар форуми бунинг ёрқин тасдиғидир.

Икки томонлама алоқаларнинг мустақкамлашида давлат раҳбарларининг шахсий муносабатлари муҳим омили бўлаёттир. Бошиданоқ қўшнилар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақкамлашни мамлакат тараққиётининг асосий йўналиши сифатида белгиланган Ўзбекистон Президенти Қирғизистон Президентини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Ушбу алоқалар эса тoбора мустақкамлашиб бoрмоқда. Шунингдек, бу жиҳатлар Қирғизистон ва Ўзбекистон халқлари фаровонлигининг гаровидир.

Лутфулло РАҲМОНОВ, "Уш садоси" газетаси бош муҳаррири:



— Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиш босқичига чиқди. Бугунги кунда Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси тўғрисидаги мамлакатларимиз ўртасида кўплаб долзарб масалалар бартафат этилмоқда. Шунингдек, таъкидлаш керакки, сув, ҳудуд, чегаралар каби масалалар зиддиятларсиз ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинмоқда.

Ишонманки, бўлиб ўтган олий даражадаги давлат ташрифи икки эл ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада ривожланишига ва ўзаро манфаатли шерикликни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Далия ОЛТУНТЕПЕ, "Нидерландия — Ўзбекистон" дўстлик жамғармаси раиси: — Ташриф Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатларда бурилиш дав-

ри бўлиб, икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Ҳар икки давлат ҳам самарали ҳамкорлик учун асос сифатида кучли иқтисодий шериклик муҳимлиги сари итилмоқда. Қирғизистон ва Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорликка эътибор қаратиш орқали ўсишни рағбатлантириши ва тадбиркорлар учун янада қўлай муҳит яратиши мумкин.

Ҳамкорлик салоҳиятини мустақкамлашнинг асосий йўналиши транспорт секторидир. Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги транспорт инфратузилмасини мустақкамлаш ва транспорт алоқаларини яқшиллаш муҳим аҳамиятга эга. Самарали транспорт тармоқлари иқтисодий ўсишда тoварларнинг эркин ҳаракатланишини оsonлаштиради. Ўзаро муносабатларнинг яқшилланиши савдо ҳажмини ошириш, бозорларга киришни енгиллаштириш ва минтақавий иқтисодиётнинг кенгроқ интеграциялашувига олиб келади.

Туризм секторига ҳам фойдаланилмаган қанча салоҳият мавжуд. Қирғизистон ва Ўзбекистон бой маданий ва тарихий меросига эга, бу уларни халқаро савёулар учун янада жозибадор қилади. Икки давлатнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари бўйлаб қўшма туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш савёулар учун янада жозибадор қилади. Икки давлатнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари бўйлаб қўшма туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш савёулар учун янада жозибадор қилади. Икки давлатнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари бўйлаб қўшма туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш савёулар учун янада жозибадор қилади.

Туризм секторига ҳам фойдаланилмаган қанча салоҳият мавжуд. Қирғизистон ва Ўзбекистон бой маданий ва тарихий меросига эга, бу уларни халқаро савёулар учун янада жозибадор қилади. Икки давлатнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари бўйлаб қўшма туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш савёулар учун янада жозибадор қилади.

Иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш, транспорт-коммуникация инфратузилмасини яқшиллаш ва туризм соҳаси салоҳиятидан фойдаланишга эътибор қаратиш орқали ҳар икки давлат барқарор иқтисодий ўсиш ва ўзаро фаровонликка йўл очиб бoриши мумкин. Ушбу соҳалардаги қўшма савий-ҳаракатлар ва инвестиция киритиш нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистон и

Акс садо

ОДАМЛАР БИЗДАН ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИКНИ КУТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсish суьратларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифаларни муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши ишлохотларнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга молик. Негаки, унда ютуқларимиз алоҳида эътибор қилинишидан ташқари, олдимизда турган долзарб вазифалар ҳам аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди. Бу эса барчадан фидойилик талаб этилиш, шубҳасиз. Шу хусусда парламентлик вакиллари куйидагича фикр билдирди.

Толибжон МАДУМОВАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари, Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия раиси:

— Президентимиз алоҳида келтириб ўтганидек, биринчи ярим йилликда янги ички маҳсулот 6,4 фоизга кўпайгани диққатга сазовор. Яна бир муҳим кўрсаткич сифатида Ўзбекистонга жорий йилнинг ўзига 15,5 млрд. долларлик хорижий инвестиция олиб кирилгани, йил бошидан 3,5 млрд. долларлик 3 мингта янги лойиҳа ишга туширилгани ва натижада 76 мингта юқори даромадли доимий иш ўрни яратилганини келтириш мумкин. Бежиз бу рақамларга тўхталмадик. Боиси, доимий иш ўринлари яратилиши халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналади. Бизда бу борада охириги йилларда катта тажриба тўпланди. Президентимиз ташаббуси билан иқтисодий комплекслар маҳаллаларга етиб борди ҳамда Сайхунобод, Уччи, Зарбдор ва Ғиждувон тажрибалари йўлга қўйилди. Бу амалда қандай самара бераётганини барча кўриб-билиб турибди. Биргина мисол: ушбу тажриба-

лар ҳисобига 4 мингдан ортиқ маҳаллалар сановат ва кишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилди ва 1 млн. 600 минг кишининг бандлиги таъминланди. Давлатимиз раҳбари шу каби ютуқлар баробарида, олдимизда турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратдики, бу нафақат мутаассадиларга, аниқ чоғда биз, халқ вакилларига ҳам катта масъулият юклайди. Яратиб берилаётган шунча шарт-шароит ва имкониятларга қарамадан орқада қолаётган соҳалар мавжуд. Айрим жойларда эса давлат дастурларининг ижроси қониқарсиз ҳолатда. Бундай шароитда биздан маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда бюджетлар тасдиқлашни қийин қилдиришга олиш ва асосийси, маҳаллалардаги одамларнинг оғирини енгил қилиш чораларини кўришимиз талаб этилаётди. Мамлакат етакчиси ҳам, халқимиз ҳам биздан ана шундай фаоллик ва фидойиликни кутмоқда.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган ҳамда келгусидаги вазифалар белгилаб берилди. Қандай эътиборда, жорий йилнинг биринчи ярмида янги ички маҳсулот 6,4 фоизга кўпайгани барчамизни қувонтиради. Жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликлар, дунё мамлакатларининг бир-бирига ишончи барқарор бўлмаган бир шароитда Ўзбекистондаги бундай иқтисодий ўсishга эришилиши тананган иқтисодий ишлохотлар йўли нақадар тўғри эканидан далолат беради. Дарҳақиқат, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан иқтисодий ўсishни таъминлаш, пировардида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашни кўзда туғувчи янги-янги моделлар тақлиф этилган ҳамда улар амалга ўз самарасини бераётди. Шу ўринда Уччи тажрибасига алоҳида тўхталадиган бўлсак, мазкур тажриба замирида тўртта маҳалла маҳаллани "Ишчилардан холи ҳудудга айлантириш" жояси ётади. Ишчиларга барҳам бериш учун Президентимиз

томонидан фаолият кўрсатган тадбиркорлар ва бизнес қилиш истагида бўлган аҳоли билан манзилли ишлаш тизими тақлиф этилди. Пировардида туманда қўшимча 15 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилган. Хар ойнинг охирида сайлов округига борганимда, алоҳида, Уччи тажрибаси натижалари билан қизиқаман. Маълумотларга кўра туманда қўшимча 15 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш вазифаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ётади. Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон тажрибаларининг ҳам худди шундай аниқ механизмлари яратилганидан, уларнинг самараси эса қисқа муддатларда кўри-наётганидан келиб чиқиб, ушбу тўртта тажрибани кўлаган ҳолда йил якунига қадар республика бўйича 2 миллион 416 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режасини тасдиқлаш топширилди. Бу эса Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон, шунингдек, Уччи тажрибаси самарасининг эътирофидир.

«Халқ сўзи».

Тадбир

Конституциявий суд мажлиси бўлиб ўтди

Кеча Конституциявий суда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2024 йил 24 июндаги мурожаати асосида "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмига расмий шарҳ бериш тўғрисидаги масалага бағишланган очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди.

Суд мажлисини Конституциявий суд раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов олиб борди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, сенаторлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Адлия вазирлиги маъсуллари, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига қилинган масала юзасидан маърузачи судья қонун нормасига шарҳ бериш бўйича келиб тушган мурожаатнинг моҳияти, иш қилинишига сабаб бўлган асосий ҳолатлар хусусида тўхтади. Шундан сўн Инсон ҳуқуқла-

ри бўйича Миллий марказ вакили Конституциявий судга мазкур масалани киритишга асос бўлган ҳолатлар, бошқа далил ва маълумотларни баён қилди. Кўриб чиқилаётган масала юзасидан Адлия вазирлиги маъсуллари ва Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари билан судьяларнинг фикр-мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганши ва ишга оид материалларни хар томонлама таҳлил этиш ҳамда Конституциявий суд қарорини тайёрлаш мақсадида навбатдаги суд мажлиси жорий йилнинг 23 июль кунини ўтказилиши эълон қилинди. Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи».)



Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМ

Унда Сенатнинг навбатдаги янги мажлисида қиритилаётган "Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга давлат томонидан кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва ёрдам турлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу қонун билан айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг зиммасига дафн этиш учун нафақани бериш вазифасини юклатишга ҳамда унинг хотин-қизларни таъйиқ ва ўзравонлиқдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилашга, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар ва маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божи-ни тўлашдан озод этишга тааллуқли ўзгартиришлар киритилмоқда. Айти чўғда ўзгаларнинг парваршига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт иш стажии-

га қўшиб ҳисоблашни учун да-волаш муассасасининг хулосаси талаб этилмаслиги белги-ланаётди. Шу билан бирга, "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Респуб-ликаси фуқаросининг идентифи-кацияловчи ID-картасини ёки биометрик паспортини алмашти-ришда давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда туғув-чи ўзгартиришлар киритилапти. Сенаторлар фикрича, қонун аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни жорий этиш механизмларини такомиллашти-риш, давлат томонидан фуқаро-ларга ижтимоий хизмат кўрса-тиш кўлами ва турларини кен-гайтириш имконини беради. Қолаверса, аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишда му-аомма ва тўсиқларни бартараф этиш, инсон ҳуқуқлари ва ман-фаатларини ишончли тарзда ҳуқуқий муҳофазалаш ва ҳуқуқий механизмларни миллий юнчи-лигимизда мустаҳкамлашда кўл-келади. Мажлис сўнггида қўрилган масала бўйича Сенат кўмитаси-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенат кўмиталарида

ПРОКУРОРГА ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда туғувчи қонун муҳофазаси қилинди.

Тадбирда сенаторлар, Қорақал-поғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят-лар ва Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти ҳамда Сенат кўмитаси ҳузуридаги экспертлар гу-руҳи аъзолари, қонун ташаббускор-лари, мутасадди вазирилик ва идо-ралар, оммавий ахборот воситала-ри вакиллари иштирок этди. Муҳофазасида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатла-рини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тиш тўғрисида"ги қонуннинг маз-му-моҳияти юзасидан маъруза тингланди. Қайд этилганидек, мамлақати-

нормаларни янада ойдинлашти-ришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Уларга кўра давлатнинг қонун билан қўриқланиданган манфаатлари-ни ҳимоя қилиш мақсадида проку-рорга ерга оид ҳуқуқий муносабат-лар, давлат мулки, давлатга еткази-лган зарарнинг ўрнини қоплаш ва давлат бюджетидан ундирувлар билан боғлиқ ишларда иштирок этиш ҳуқуқи берилаётди. Аниқ чоғда у давлат манфаатларини ҳимоялаш учун судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлади. Ушбу ҳуқуқий ўзгаришлар проку-ратура органларининг одил судлов-ни амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги фаолияти самарадорли-гини янада кучайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари, ҳаёт ва давлатнинг қонун билан қўриқла-ниданган манфаатларини тўла ҳимоя қилади ҳамда судларда ишларни муҳофазасида этишда қонунийликни мустаҳкамлайди. Муҳофазасида кўриб чиқилган қонуннинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЮРТИМИЗДА КОСМИК СОҲА ТИЗИМИ РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда "Космик фазо, шу жумла-дан, Ойни ва бошқа самовий жисм-ларни тадқиқ қилиш ҳамда улар-дан фойдаланиш бўйича давлат-ларнинг фаолияти принциплари тўғрисидаги шартномага (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) Ўзбекистон Респуб-ликасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун дастлабки тарзда муҳофа-мадан ўтказилди.

Маълумотларга кўра 2024 йил-гача шартномага 114 давлат қўшилган. Бу шартнома космик фазонинг ҳуқуқий мақоми асосла-рига доир 17 та моддани ўз ичи-га олган. Сенаторлар халқаро ҳужжатга мамлақатимизнинг қўшилиши Ўзбекистонга космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдала-ниш, космоснинг барча ҳудуди ва осмон жисмларига эркин кириш, шунингдек, халқаро космик лойи-ҳалар, ресурс ва билимлар алма-шинувида катнашиш имкониятла-рини очиб беришни алоҳида таъ-кидлади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг мазкур шартномага қонун билан қўшилиши юртимиз космик соҳа тизимини ривожлантиришда аниқ муддаоидир. Мажлис якунида шу масала бўйича Сенат кўмитасининг те-гишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси кўмиталарида

ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АЛОҲИДА ҲУЖЖАТ ЙЎҚ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан "Космик фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан семинар ўтказилди.

Видеоконференца қолашда ўтган семинарда куйи палата депутатлари, Рақамли технологиялар, Мудофаа вазири-ликлари, Космик тадқиқотлар ва техно-логиялар агентлигининг раҳбар ходим-лари ҳамда хорижий экспертлар қатна-шди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда космик фаолият илмий ва технологик та-раққиётнинг етакчи тармоқларидан би-рига айланди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўпга соҳаларини ривожлан-тиришда ушбу соҳанинг роли, аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу боис мам-лақатимизда ҳам космик фаолиятни рив-ожлантиришга алоҳида эътибор қарати-лаётимиз. Бугунги кунда космик фаолият та-моийиллари, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, соҳага масъул органлар, уларнинг соҳани тартибга солиш бўйича ваколатлари ва вазифаларини белгилаб берувчи алоҳида қонун йўқи. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқил-ган қонун лойиҳасида космик фаолият-нинг бир қанча асосий, жумладан, кос-мик соҳада тенг ҳуқуқли ва ўзаро ман-фаатли халқаро ҳамкорлик қилиш, кос-мик фаолиятни ривожлантиришнинг ус-тувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантириш, космик техно-логиялардан фойдаланган ҳолда соҳа-лар шаффофлиги ва рақамлаштириш даражасини оширишга кўмаклашиш та-моийиллари акс этмоқда. Шунингдек, мамлақатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, му-дофаа қобилияти ва хавфсизлигини му-стаҳкамлашга кўмаклашиш ҳамда иқти-содий тармоқларнинг рақамлаштирили-

шни жадаллаштириш космик фаолият-нинг асосий мақсадларидан бири этиб белгиланапти. Семинарда қайд этилганидек, космик фаолиятни амалга оширишда одамлар-нинг ҳаёти ва соғлигига бевосита таъ-дид яратиш, ом-мавий қирғин куроллини кос-мик фазога чи-қариш, космосга жойлаштириш ёки бундай куролларни си-новдан ўтказиш, атраф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш учун космик технологиялардан ва (ёки) ос-мон жисмларидан фойдаланиш ҳамда фазони флослантириш бўйича халқаро нормалар ва стандартларни бузиш қатъ-иян ман қилинмоқда. Космик объектнинг учурилиши нати-жасида одамлар ёки ҳайвонлар нобуд бўлса, шунингдек, фуқаролар ва атраф-муҳитга зарар етказилса, космик фа-олият субъектларига етказилган зарар Фуқаролик кодексида белгиланган тар-тибда қопланиши шартлиги белгилан-моқда. Тадбир иштирокчилари томонидан қонун лойиҳасидаги нормалар атрафли-ча муҳофазаси қилиниб, уларни такомил-лаштириш бўйича қатор тақлиф ва та-всиялар берилди. Семинар давомида билдирилган асосли тақлифлардан қонун лойиҳасини маромига етказиш учун фойдаланишга келишиб олинди.



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ КЎТАРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан Президентимизнинг "Мақтабга ва мактаб таълими ва-зирлиги ҳамда унинг тизимидagi ташиқотлар фаолият-ини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги Фармони ижроси Самарқанд ва Жиззах вилоятла-ри мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилган эди.

Кеча маз-кур ўрганиш якунларига ба-ғишланган кўмитанинг кенгайтирил-ган йиғилиши бўлиб ўтди. Таъкидлан-ганидек, кейинги йил-ларда мактабга ва мактаб таълими тизимини ривожланти-риш, педагогларнинг малақаси ҳамда ҳаётдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавия-тини юксалтириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жиззах вилоятидаги ўрга-нишларда маълум бўлишича, бугунги кунда мактабга ва мактаб таълими бошқармасига қарашли 558 та мактаб, 14 та "Барқамол авлод" болалар мак-таби фаолият олиб бормоқда. Умумий ўрта таълим мактаб-ларида 266 минг 796 нафар ўқув-чи 23 минг 133 нафар ўқитув-чи таълим бераётди. Шунингдек, вилоятда 3 — 7 ёшли 102 минг 418 нафар бола мактабга таълим билан кам-раб олинган. Йил якунига қадар болалар қамрови даражасини 78 фоизга етказиш бўйича те-гишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, 2023/2024 ўқув йилида иқти-дорли ўқувчиларни рағбатлан-тириш мақсадида олтин ва ку-муш медалларга буюртма шакл-ланган мактаб таълими вазири-лигига тақдим қилинган. Ушбу буюрт-мага кўра 445 нафар ўқувчига олтин, 96 нафар ўқувчига кумуш медали берилган. Вилоятдаги 10 та умумий ўрта таълим муассасасида ик-кинчи хорижий тил ўқитиш амалиёти жорий қилинган бўлиб, мазкур мактабларда ик-кинчи хорижий тилни ўқитиш учун барча шарт-шароит яратилган. Йиғилишда Самарқанд вило-ятда ўрганиш натижалари ҳам атрафлича муҳофазаси қилинди. Қайд этилганидек, вилоятда тоифалар кесимида таҳлил қилинганда 5 минг 654 нафар олий, 11 минг 263 нафар бирин-

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

НОҚОНУНИЙ ТАМАКИ БОЗОРИ САЛОМАТЛИК ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ УЧУН ТАҲДИД

Ўзбекистондаги ноқонуний тамаки бозори энг ўткир муаммолардан бири бўлиб турибди. Экспертларнинг баҳолашига кўра бундай ҳуфийна савдо давлатимиз бюджетига жиддий зийн етказмоқда. Маълумотларга қараганда 2023 йилда ноқонуний тамаки маҳсулоти айланмаси туфайли мамлақатимизда 1 триллион сўм солиқ тушуми бой берилди. Бунда жорий йил март ойи ҳолатига кўра ноқонуний тамаки маҳсулотининг улуши 15,3 фоизни ташкил қилди.

Ноқонуний бозорнинг бундай кўламда мавжудлиги давлат да-ромадини камайтирибгина қола-май, қонуний фаолият олиб бо-раётган, солиқларни ўз вақтида тўлаб келаётган интизомли та-дбиркорлар манфаатларига путур етказмоқда. Айтиқса, Фаргона водийсида ҳавитарили вазиет ку-ратилмоқда. Бу ерда ноқонуний бозор улуши мамлакат бўйича умумий ҳажмининг 30,1 фоизини ташкил қилади. Мазкур ҳолат минтақада тамаки маҳсулоти контрабандаси ва норасмий сав-досининг юқори даражада экан-лидан далолат беради. 2024 йил апрель ойи маълумотларига кўра контрабанда савдоси бўйича Наманган вило-яти кетма-кет бир неча йиллик етакчилигини сақлаб қолган (47,8 фоиз). Ундан кейин Фар-гона (35,4 фоиз) ва Қўқон (31,9 фоиз) жой олган. Андижон 19,1 фоиз кўрсаткич билан рўйхатни якунлайди. Нега Ўзбекистонда ноқонуний тамаки бозори ҳали ҳам бунчалик юқори кўрсаткичларни намойн этмоқда? Бунинг асосий сабабларидан баъзиларини келтириб ўтамиз: ● контрабандага қарши кура-шишга масъул турли давлат

идоралари ўртасидаги самарала-ли мувофиқлаштирувнинг мав-жуд эмаслиги; ● айрим минтақаларда, ай-ниқса, Фаргона водийсида но-қонуний савдога нисбатан юқори чидамлик кузатилади, бу ҳуқуқни муҳофазаси қилиш органлари ишини қийинлашти-ради; ● ноқонуний тамаки истеъ-молчиларни ўзининг пастроқ нархи билан жалб қилади, бу ҳуқуқни муҳофазаси қилиш органидаги фарқ-лиқ камайтириш учун қонунчи-ликка тамаки маҳсулоти кон-трабандаси ва ноқонуний сав-доси учун жазони қатъийлаш-тирувчи ўзгартишлар киритиш, акциз сиёсатини қайта кўриб

чиқиш талаб этилади. Контра-бандаларнинг комплекс, баҳамжи-хат ёндашуви талаб этилади. Чеғарада назоратни кучайтириш ва контрабандага қарши кураш бўйича янада жиддийроқ чора-ларни, жумладан, замонавий технологияларни жорий қилиш ва божхона ходимларининг ма-лақасини ошириш лозим. Аҳолининг контрабанда маҳ-сулоти зарари ҳамда ноқону-лий савдонинг салбий оқибат-лари тўғрисидаги хабардорли-гини ошириш муҳим. Шунинг-дек, қонуний ва ноқонуний маҳ-сулотлар нархларидаги фарқ-лиқ камайтириш учун қонунчи-ликка тамаки маҳсулоти кон-трабандаси ва ноқонуний сав-доси учун жазони қатъийлаш-тирувчи ўзгартишлар киритиш, акциз сиёсатини қайта кўриб

Эркин ҚАЗИМОВ, «Тамакисоз» тамаки тармоғи корхоналари уюшмаси раиси.

БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

1

2

“Янги Ўзбекистон стратегияси” китоби Ўзбекистон учун янги бир давр бошлангани эътирофи ва унинг дунё ҳамжамиятига эълонидир. Унда “Яқин ва ўрта истиқболда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси қандай бўлади?” деган залварли савол ўртага ташланди.

Тарихий саволлар ўз-ўзидан кун тартибига кўйилмайди. Тарихий савол тарихий шахслар томонидан ўртага ташланади. Мамлакатимиз раҳбари томонидан улкан ўзгаришлар чорраҳасида, ҳал қилувчи паллада ана шундай савол ўртага ташланди ва жавоб изланди.

“Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Бу йўлда ислохотларимизнинг асосий ҳаракатлантурувчи кучи бўлган жамиятимиз аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, куч ва имкониятларини, бутун азму шижоатимизни ишга солишимиз зарур. Шундагина Янги Ўзбекистон жaxon майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, хар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади”.

Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонни барпо этиш шунчаки, бирдан ёхуд кутилмаганда пайдо бўлган, қимларингидир истак-хоҳиши эмас, балки бутун халқимиз асрлар давомида интилиб келган орзу-мақсадларини ифода этмоқда. Бу орзу-мақсадларнинг туб тарихий асосларига ургу берилётгани ҳам бежиз эмас.

Ўзининг қадим тарихи, давлатчилигига эга юртимизда озод ва эркин ҳаёт ҳар бир аждодимизнинг қон-қонида яшаб келган. Улар озодлик, эркинлик ва ҳуриятга эришиш йўлини илф-маърифат орқали амалга оширишни яхши билганлар. Омоч ҳайдаётиб, само жисмлари, ўсимликлар ва ҳайвонот ҳақида катта билимга эга бўлганлар. Тақвим тузганлар, йилларга ном берганлар, олам ҳақидаги билимларини келгуси авлодларга мерос қолдирганлар. Бу билим ва тажрибалар шу ўлкада қўллаб-қўлланган ривож топиши, биринчи ва иккинчи Ренессанснинг пойдевори бўлиб хизмат қилган.

“Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...” Сал кам олти аср нарида улғун мутафаккир бобомиз томонидан айтилган бу фикр ХХ аср воқелиги билан юзма-юз турган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун ҳам долзарб масала эди.

Энди олдингидай яшаб бўлмас, кўп нарсани тубдан ўзгартириш зарур эди. Бошқача айтганда, ҳар бир соҳа жуда улкан ислохотларни талаб этарди. Ўзбекистоннинг яшаб қолиши, ўзгичлиги асраши, дунёнинг энг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олиши, боболар орзу қилгандай, истеъмолчи эмас, иходкор, яратувчи миллатга айланганимиз учун, аввало, қимлигимизни, қайси “майдон”да турганимизни аниқлаб олишимиз, ҳолатимиз, кучимиздан келиб чиққан ҳолда, келажакимизни белгиллашимиз, хуллас, барча жабҳада ислохотларни бошлаш зарур эди.

Мамлакат етакчиси ўзининг илк фаолияти кунлариданоқ очиклиги ва самимияти, тўғрисиқлиги, қатъияти ва журъати билан бутун Ўзбекистон халқининг ишончини қозонди.

Шавкат Мирзиёевнинг Президентликка сайланганидан сўнг илк учрашуви академик олимлар, илм аҳли билан бўлди. Бу жуда катта рамзий маънога



Жаббор ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор.

эга, мамлакатнинг бундан кейинги тараққиёт йўли илм-фан билан чамбарчас боғлиқ бўлишига ишора эди.

Очиги, шу учрашувгача Фанлар академияси тизимидаги олимлар хавотир ва ҳадик ичида яшаётган, тизимдаги кўплаб илмий текшириш институтлари тарқатиб юборилган ёхуд олий таълим тизими таркибига ўтказилган, эртанги куни номтаълим бўлиб қолган ташкилотларга айланганди.

Шундай қийин бир вазиятда мамлакат раҳбари ҳеч ким кутмаган, оғир ва машаққатли, бироқ мамлакат эртанги куни учун муҳим бўлган қарор ва фармонлар имзолади. Улар мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасига тааллуқли, бирдек аҳамиятли бўлган тарихий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ҳар қандай жамият ўзига энг улғун мақсадларни шior қилиб олиши, ўзини халқларарар деб эълон қилиши мумкин. Бироқ халқнинг ичига бормаган, унинг муаммоларини ҳал этмаган ислохотлар шунчаки қоғоздагина қолиб кетаверади.

“Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартириш лозим. Бунинг учун эса, аниқ мақсад, толмас ирода ва доимий изланиш керак”.

Мамлакат раҳбари ўз фаолиятини халқ ичига киришдан бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ “Халқ қабулхоналари” ташкил этилди, одамларнинг дарди “хам-фикр” экани амалда исботланди. Зеро, тарихий шахсият қийинчиликлардан чўчимайди. Осон йўлни эмас, қийин бўлса-да тўғри ва шарафли йўлни танлайди. Ҳақиқат олдига қараб интилади, келажакни кўра олади. Оғир ва машаққатли бўлишига қарамай, келажак дастурларини ҳаётга таъбиқ этарди.

Мамлакатимиз раҳбари мард ва олийжаноб халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш билан боғлиқ мураккаб ва муҳим саволлар кўпдан буюб ўйлатиб келётганини айтиб, “Биз ўз олдимизга жамиятимизнинг янги кибъасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида қўйдик”, деган қатъий қарорини айтди. Шу тахлит бизнинг ҳаётимизга “Янги Ўзбекистон” деган тушунча кириб келди.

3

Мустақил давлат бўлиб, яъни озод ва хур яшаш, бу фақат давлатчиликка хос бўлган институтларни ташкил қилишнинг ўзи эмас, балки озодлик — барча фуқаронинг дунёда ўз ўрни борлигини исбот қилиши, шу маъсулиятга мос ва муносиб бўла олиши ҳам дегани. Шу сабабли ҳам озод яшаш маъсулияти расмий мустақиллик ҳужжати амалиётга айлантиради, миллатни ягона гоё — мустақил давлат сифатида ўзини намойиш қиладиган ягона мақсадга бирлаштиради.

Тан олайлик, биз узок йиллар миллатни яхлитлаштирадиган ягона мақсадли интилишга эришолмадик. Чунки ягона мақсадга интилиш дегани бу ҳар бир фуқаронинг хоҳиш-иродаси бўлиши, ҳар бир фуқаро ана шу интилишда ўзининг, болаларининг ёрқин келажакини кўра олиши керак дегани эди. Бунинг учун кўп ишлар қилиниши зарур эди.

Миллий бирлик ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, бу улғун саодатга эришиш учун ҳар қандай гоёни жамиятдаги турли қатламлар манфаатидан тозартириб олиш, миллий ғурур, миллий ор, миллий шаън, миллий виждонни уйғотиш, миллатни ўз кучи ва қудратига ишонтариш керак бўлади.

Тарих, тарихий хотира, аждодларга ҳурмат — бу миллатни яхлитлаштирувчи, уни ўз қувватига ишонтари олувчи, миллий бирликни мустаҳкамловчи энг кучли восита. Чунки тарих олдимизга бизни ўқ илдиэларимиз билан туташтириб туради “Ким эдик, ким бўлдик,

ягона фикрни устувор қилишга интилик. Бугун плюрализм, аста-секинлик билан бўлса-да, жамиятимизда илдиэ ота бошлади. Плюрализм — жамиятнинг фикрлар кўргазмасига ўхшайди. Кўргазмада сиз эҳтиёжингизни қондирадиган энг ишончли, энг сифатли, энг қулай нарсани танлаб оласиз.

Плюрализм ранг-баранглики англатади. Бир қарашда ундаги турфалик яхлит қарашларни пароканда қилаётгандек туюлади. Аммо аксиома шундаки, жамият фуқаролари ўзларининг фикрларини ҳам эшитаётгани, қабул қилаётганини англаса, унда шу жамият атрофида бирлашиш, яхлитлашиш бошланади. Зотан, қарорда ургу берилганидек, **бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!**

4

Кейинги йилларда амалга оширилган энг катта ислохотлардан бири уз-

“Мустақил давлат бўлиб, яъни озод ва хур яшаш, бу фақат давлатчиликка хос бўлган институтларни ташкил қилишнинг ўзи эмас, балки озодлик — барча фуқаронинг дунёда ўз ўрни борлигини исбот қилиши, шу маъсулиятга мос ва муносиб бўла олиши ҳам дегани. Шу сабабли ҳам озод яшаш маъсулияти расмий мустақиллик ҳужжати амалиётга айлантиради, миллатни ягона гоё — мустақил давлат сифатида ўзини намойиш қиладиган ягона мақсадга бирлаштиради.”

ким бўламиз?” деган саволларни кўндан-кўндан кўяди. Тарихга бўлган эҳтиром аслида миллатнинг яхлитлигига, эртанги бирдамлигига эҳтиромини англатади. Тарих кечаги кун кечмиши, аммо жамиятда яратиладиган ягона мақсад мана шу тарих устига қурилади.

Адабиёт миллатнинг уриб турган виждонни саналади. Агар жамият ўзининг виждонига бефарқ ёки унга безътибор бўлса, унда миллатни бирлаштирувчи миллий виждон пайдо бўлмайди. Адабиётга бўлган муносабат — миллатнинг виждонига бўлган муносабатдир. Адабиёт ўзи билан тарих ва бугундан иборат миллат қибъаси, ўзлиги, қувватини олиб юради. Хар бир халқнинг характери ва хусусиятлари адабиётда яққолроқ намоён бўлади ва миллатнинг яшовчан, ҳаётбахш ҳужайраларини асраб юради. Бошқача айтганда, “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”.

Ҳар қандай жамиятнинг бугунги ва эртанги кунини, жумладан, тараққиётини ҳам илм-фаннинг нуфузи белгилаб беради. Илм ва адабиёт ахлига эътибор бу ўз-ўзидан миллатнинг эртанги тараққиётига эътибор эканини тушуниш учун катта ақл эгаси бўлиш шарт эмас.

Миллий ор ва шаън, аввало, тил, адабиётга бўлган муносабатдан бошланади. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида жамиятнинг барча соҳасида тўла амал қилиши неча йиллар ўз вақти-соатини кутиб ётди. Бугун давлат идораларида тўла маънода давлат тилига амал қилишга ўтилганининг ортида қандай машаққатли меҳнат, қураш, керак бўлса, қатъият ҳам турганини гоҳо теран англамаймиз.

Жамиятда ранг-баранг фикрларга тоқат қилиш оддий ҳолга айланаётгани мени қувонтиради. Яқин-ақинларга чамла плюрализмга ёт назар билан қараб келдик. Жамиятда ягона қараш,

люксиз таълим тизимидаги кескин ўзгаришлардир. Бошланғич ва ўрта таълимда янгича ёндашувлар юзга келди. Олий ўқув юртиларига қабул квоталарининг оширилиши, хорижий ОТМ ҳамда хусусий сектор иштирокида янги институт ва университетларнинг очилиши минглаб ёшларга талабаликнинг олтин оstonасига қадам қўйишига имкон яратди. Бундан етти йил олдин олий таълимга кириш ҳолатини коррупциясиз тасаввур эта олмадик. Очиклик, шаффофлик, танлов имкониятининг кенглиги бугун бу тизимда ислохотлар ўз самарасини берганини кўрсатади.

Ҳар қандай миллатнинг эртасини унинг таълим тизими белгилаб беради. Ҳозирги кунда таълимга бўлган эътибор — келажакка эътиборнинг энг ёрқин намоийишидир.

“Таълим-тарбия — биз учун ё ҳаёт, ё мамот”, деган Авлоний ҳазратлари. Жадид боболаримиз таълим ва маърифатни бирдан-бир халоскор куч деб билишган. Маърифатпарвар аждодларимиз миллатимизнинг истеъмолчидан ишлаб чиқарувчи, фикр олувчидан фикр берувчи миллатга айланишини истагарди.

Бугун эса ўқитувчининг жамиятдаги ўрни яна ўз ўрнига қайтмоқда. Муҳими, жамиятнинг эртасига мактабда пойдевор қўйиши давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Ўтган аср бошида жадид боболаримиз айнан миллатни ўзлигига қайтаришга, ўзини англашга бор куч-қувватларини сарфлади. Чунки англаш маърифат билан, миллат қайғуси билан боғлиқ тушунча. Маърифатли бўлмай, ўзининг ўрнини, мақоми-ини англамай туриб, ўзини ўзи илм билан, маърифат билан ислоҳ қилмай туриб, юксалиб бўлмайди. Ўзликни англаш — бу кимлигини, ота-боболаринг ким бўлганини,

қайси тамаддундан сув ичишни, қайси мактаб ва ўринга мос яшашни англаш, дегани.

Жадид боболаримиз ҳар бир нарсадан янгилик қидирган. “Янги” сўзини хуш кўришган. Жамиятни, тизимни ислоҳ этишни ва бу ислохот илм-фанга суяниб амалга оширилишини орзу қилганлар. Бироқ мавжуд тузум уларга бундай имкониятни бермади. Уларнинг қалби ва ҳаёлидаги орзу чечаклари очилмай сўлди. Маърифат ила хурликни орзу этган миллат зиёлилари ёппасига қатлиом қилинди.

Мамлакат раҳбари янги Ўзбекистонни барпо этишнинг туб асослари ҳақида гапирганда ана шуларни назарда тутиб: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғун мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. ...Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш — барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”.

Бугунги вазият, мамлакатимизнинг бугунги ҳолати янги Ўзбекистонни барпо этиш учун барча сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятлар етарли эканидан далolat беради.

Мамлакатда бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар, аввало, миллий манфаатларга мос бўлиши зарур.

Ҳўш, бугунги миллий манфаатларимизга нима уйғун келади? Биз, биринчи навбатда, ана шулар ҳақида ўйлаб кўришимиз зарур бўлади.

Энг муҳими, бу ислохотларнинг асосий ҳаракатлантурувчи кучи бўлган жамият аъзоларининг бор билим ва салоҳияти, қувват ва имкониятларини, бутун шижоатини ишга солиш зарурлиги асосий масаладир. Бошқача айтганда, Алишер Навоий ёхуд жадид боболаримиз даврида мамлакат равнақи учун илму тафаккур қанчалик зарур бўлган, бугунги глобал жамиятда унга эҳтиёж янада баланд. Бугун ҳар қандай халқнинг яшаб қолиши, тараққиёт этиши, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун, албатта, билим зарур. Давлатимиз раҳбари Шарк донишмандлари ҳикматини таъкидлаб айтганидек, **энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу янги тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!** Бу бугуннинггина шиори эмас. Аждодлар тажрибасидан келиб чиққан, ҳозирги кун тартибига қўйилган, келажак дастури ҳамдир.

5

Бундан етти йил аввал Ўзбекистонда янги бир тонг отди. Бу тонг мамлакатимиз, туркий давлатлар, умуман, Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам янги бир даврни бошлаб берди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан жуда яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Айниқса, қўшни ва қардош мамлакатлар билан алоқалар бир поғонага кўтарилди, илгари ҳеч қўрилмаган мазмун ва моҳият билан бойиди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда бўлаётган ошқора, халқчил сиёсатнинг, инқилобий ислохотларнинг самарасидир. Туркий давлатлар ташкилоти Дав-

латлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга туркий халқлар оиласини бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқор майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак муқофот — “Туркий дунёнинг олий ордени” тантанали топирилди.

Бу мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг, Ўзбекистонда бўлаётган юксак ўзгаришларнинг халқор муқаддаси эътирофи, қардош мамлакатларда яшаётган халқларнинг, ижодкор зиёлиларнинг, давлат раҳбарларининг яқдиллик билан келган хулосаси эди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг “Бир пайлар Марказий Осиёда тарқоқлик кенг илдиэ отган эди. Бугунги кунда эса минтақада янги-чам муҳит яратилди. Бу, албатта, дўстлик, ҳурмат ва масалаларни ҳамжиҳатликда қўриб чиқиш, мавжуд қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишга асосланган муҳит бўлди”, деган фикрлари ҳам чин ҳурдан айтилган юксак мақомдаги самимий эътирофдир.

6

Бугунги Ўзбекистоннинг аввалгисидан фарқи нимада, деган савол берилиши табиий. Мустақилликка эришишимиз, шубҳасиз, улкан галаба, бу озодлик халқимизнинг азалий орузуси эди. Биз чорак аср давомида ана шу эришган муваффақиятимиз ҳақида гапирдик. Озодликнинг тарихий зарурат экани, ўтмишда боболаримиз бу истиклолни орзу қилгани ҳақида сўзладик. Мустақил бўлиб яшаётганимизга асослар даярили ўтмиш билан боғланганди, бугунимиз учун ҳаммани қониктирадиган ва миллатни яхлитлаштирадиган амалларимиз бармоқ билан санарли эди. Сўнгги етти йилда биз кўпроқ келажак ҳақида, янги тонг, янги мақсадлар тўғрисида гапирдик. Мақсадлар, ниятлар, савий-ҳаракатлар келажакка йўналтирилган, сафарбар этилган.

Олдимизга жуда улкан мақсадларни қўйиб, катта йўлга чиқдик. Бу ўзгаришларда ҳар биримиз ўз ўрнимиз, олдимизда турган бурч ва маъсулият ҳақида ўйлаб кўришимиз лозим. Бунда, аввало, ҳар биримизнинг эзгу ўйимиз, сўзимиз ва амалимиз бўлиши керак. Бу ҳаётда ҳар биримизнинг ўз ўрнимиз, ўз севган касбимиз бор. Бир пайлар академик шоиримиз Фадул Ғулом шундай ёзганди:

Азиз асримизнинг азиз оилари, Азиз одамлардан сўрайди қадрин. Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла, Безамоқ чоғидир умр дафтарини.

Худди бугунги кун учун, биз учун айтилгандай гўё.

Бугун биздан талаб қилинаётгани ўз ичимиз, ўз касбимизнинг эгаси, керак бўлса, энг устаси бўлиш. Ўз олдига мақсад қўйган инсон қайси касб эгаси бўлмасин, муаллимми, тадбиркорми, шифокорми, тикувчиси — ҳар биримиз ўз касбимизнинг энг зўри бўлишга, умримиз дафтарини шоҳ сатрлар билан безашга интилишимиз шарт. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек “**Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, қўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш Янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Жонажон Ватанмиз ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади**”.

РЕКЛАМА

САНОАТ УСУЛИДА БАЛИҚ ОВЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Айдар-Арносоў кўллар тизими” МЧЖ саноат усулида балиқ овлаш билан шуғулланувчи барча юридик шахсларни “Айдар-Арносоў кўллар тизими” МЧЖга қарашли кўллар сатҳининг контурларида саноат усулида балиқ овлашни амалга ошириш узасидан ҳамкорликка таклиф этади.

Асосий талаблар: саноат усулида балиқ овлашни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг табиий сув ҳавзаларида

балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 80-сонли қарори талабларига қатъий амал қилиш; — Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли хизматларида йиллик

техник қуриқдан ўтказилган ва рўйхатга олинган сузиш воситалари мавжудлиги; — овчилик жиҳозлари билан ўзини-ўзи тўлиқ таъминлаш;

— фаолият юритишда маҳаллий аҳоли, чорва моллари, ёввойи ҳайвон ва паррандалар ҳамда атроф табиий муҳит учун хавфсиз усуллардан фойдаланиш, табиий мажмуалар яхлитлиги бузилишига йўл қўймастик ва бошқа

шартномада кўрсатилган талаблар. Саноат усулида балиқ овлаш билан шуғулланувчи, қизиқиш билдирган барча юридик шахсларни “Айдар-Арносоў кўллар тизими” МЧЖга муурожаат қилишни сўраб қоламиз.

Муурожаат учун телефон: +998 91-148-07-07. “Айдар-Арносоў кўллар тизими” МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.

Пойтахтнинг Марказий кўргазмалар залида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган бадиий кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.40 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши